



Fidoyilik — vatanga xizmat demak!

1913-yil aprel oyidan chiqa boshlagan



www.zarnews.uz https://www.facebook.com/zarnews.uz @zarnews_uz https://twitter.com/zarnews_uz

КУН ҲИКМАТИ

Ўжарлик
НОДОНЛИКНИНГ
ЭНГ ХАВФЛИ
КЎРИНИШИДИР

2022-yil 5-aprel, seshanba,
39 (23.606)-son

ҲАФТА ОММАВИЙ ҚАБУЛЛАР БИЛАН БОШЛАНДИ



таклиф этилди.
— Кенасас касб-хунара коллежини битирганман, тикувчиликка ўқувим борлиги учун тикув машинкаси олишни танладим, — дейди Ш.Турдиқуллова.
Оммавий қабул давомида Олий суд ва Бош прокуратура масъуллари фуқароларнинг алимент ундириш, уй-жойга бўлган ҳуқуқини тиклаш, жиноят ишини қайта кўриб чиқиш билан боғлиқ мурожаатларини эшитди. Ички ишлар вазирлиги томонидан ўндан ортик ёшларга паспорт ва ID-карталар топширилди, олти нафар хотин-қизга ҳимоя ордери берилди. Шунингдек, ички ишлар идораларида ишлаш

Вилоят ҳоқими Э.Турдимовнинг кеча Самарқанд шаҳридаги Ватанпарвар маҳалласида ўтказилган сайёр қабулида ҳоқимга мурожаат қилиш учун рўйхатдан ўтган фуқаролар сони эрта тонгда 100 нафар бўлса, соат 11:00 га яқин 400 дан ошиб кетди.



барча раҳбарларга таниш бўлиб қолганлар ҳам йўқ эмас. Илож қанча, ҳеч кимга "Сиз ҳар сафар келасиз-ку", деб бўлмади. Қабул барча учун-да.

4-7 апрел кунлари вилоятимизда республика ишчи гуруҳининг суд-ҳуқуқ масалалари бўйича оммавий қабуллари ўтказилиши кўзда тутилган. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси, Президент Халқ қабулхоналари, Олий суд, Судьялар Олий Кенгаши, Бош прокуратура, Адлия, Ички ишлар вазирликлари, Давлат божхона қўмитаси, вилоят ҳоқимлиги раҳбар ходимлари иштирокидаги қабул дастлаб Ургут туманида ўтказилди.



Мурожаатлар кўплиги сабабини бир неча омилларда кўриш мумкин. Биринчидан, афтидан сайёр қабулда муаммонинг ҳал бўлиши осонроқ, қабулга кириб, вилоят ҳоқимига масалани айтасиз ва шу ернинг ўзида масъул раҳбар муаммодан хабардор қилинади ва тезда кўриб чиқилади. Аммо қабул чоғидаги кузатувишимдан билдикки, вилоят ҳоқими қабулига келиб, шахсан ўзидан сўрамаса ҳам ҳал бўладиган масалалар кам эмас. Масалан, кечаги қабулда фуқаролардан бири вилоят ҳоқимидан санаторияга йўлланма сўради. Мурожаат ижобий ҳал этилиши учун шу ернинг ўзида вилоят касаба уюшмалари кенгаши масъуллари жалб этилди. Ҳамма ҳам яхши дам олишга ҳақли, эътироз йўқ. Лекин кенгаш вакилининг айтишича, фуқаро олдин мазкур муаммо бўйича уларга бирор марта мурожаат қилмаган. Эҳтимол, бошқа ташкилотларга ишонсизлик ҳам шундай йўл тутишга ундагандир. Уй-жой билан боғлиқ мурожаатлар кўплиги ҳақида айтади. Бу мурожаатларнинг ўзини ҳам иккига бўлиш мумкин. Айрим фуқаролар субсидия ёки бошқа қонуний ечим бўлган йўллар орқали ўй олишга кўмак сўрамоқда ва уларга ёрдам кўрсатишмоқда. Яна айримлар эса "менга бепул уй берсангиз", деган масала билан мурожаат қилмоқда.

Вилоят ҳоқими Эркинжон Турдимов аҳоли билан тўғридан-тўғри мулоқотни кенгайтириш, жойларда мавжуд муаммоларни аниқлаш ва бартараф этиш, аниқ ва тезкор чоралар ишлаб чиқиш мақсадида 2 апрель кўни Нуробод тумани Сарой маҳалласида сайёр қабул ўтказди.

Вилоят ҳоқими Эркинжон Турдимов аҳоли билан тўғридан-тўғри мулоқотни кенгайтириш, жойларда мавжуд муаммоларни аниқлаш ва бартараф этиш, аниқ ва тезкор чоралар ишлаб чиқиш мақсадида 2 апрель кўни Нуробод тумани Сарой маҳалласида сайёр қабул ўтказди. Сайёр қабул доирасида қатор мурожаатлар тингланди. Жумладан, бандлик, пенсия, моддий ёрдам ва ижтимоий нафақаларнинг тўланиши, мактаб ва боғча қуриш, алимент қарздорлигини ундириш, табиий газ, электр энергиясидаги узилтирилган, йўл масаласи, кредит олиш борасидаги муаммоларга масъуллар таъминоти карантиди.

Унда Ургут ва Тойлоқ туманлари аҳолиси, тадбиркорлик субъектлари иштирокида. Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчи-сининг биринчи ўринбосари, республика ишчи гуруҳи раҳбари Улуғбек Мухаммадиев юртимизда "Инсон қадр учун!" тамойили асосида амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида аҳолининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш энг муҳим вазифалардан бири эканлигини таъкидлади. Аммо ҳаётда турли ҳолатлар сабаб суд-ҳуқуқ масалалари билан боғлиқ муаммолар юзга келиши, камчиликларга йўл қўйилиши мумкин. Ана шундай шароитда фуқароларга енгиллик яратиш, улар сарсонгарчиликнинг олдини олиш ва ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш мақсадида жойларда оммавий сайёр қабуллар ташкил этилмоқда. Мазкур тадбирларда суд-ҳуқуқ идораларининг республика даражасидаги раҳбарлари иштирок этиб, фуқароларнинг мурожаатларини эшитмоқда.

истагида мурожаат қилган йигитларнинг масалалари ҳам белгиланган тартибда кўриб чиқилиб, ҳал этилиши белгиланди.

— Онам — Дилшода Мустафоевнинг пенсия билан боғлиқ мурожаатига ечим излаб, турли идораларга мурожаат қилдик, лекин натижа бўлмади, — дейди Ургут тумани Чоштепа маҳалласида яшовчи Қомил Долиев. — Бугунги қабулда ушбу масала бўйича Олий суд масъулларига мурожаат қилдик. Муаммо шу ернинг ўзида ўрганиб чиқилиб, фуқаролик ишлари бўйича Ургут тумани судининг сайёр суд мажлиси ўтказилди ва масаламиз ҳал бўлди.

Вилоят ҳоқими ўринбосари Р.Қобилов, Ургут ва Тойлоқ туманлари ҳоқимлари, бошқа масъуллар оммавий қабулга келган фуқароларнинг турли соҳалар бўйича мурожаатларини эшитиб, зарур чора-тадбир белгиледи. Аксарият муаммоларга шу ернинг ўзида ечим топилди.

Ургут тумани Бешкон маҳалласида яшовчи Шабнам Турдиқуллова республикадан келган раҳбарларга ўзининг ишсизлигини айтиб, мурожаат қилди. Шабнамга туманда мавжуд иш ўринлари, шунингдек, уйда ўтириб тикувчилик қилиши ва домий даромад манбаига эга бўлиши учун тикув машинкаси ажратилиши

Шунингдек, оммавий қабулда аввалги қабулларда кўтарган масаласи ҳал бўлган фуқаролар ҳам келиб, масъулларга миннатдорлик билдирди. — Утган йил Тойлоқ туманида ўтказилган шу каби оммавий қабулда иштирок этиб, янги қурилган уйларимизни табиий газ тармоғига улаш ва қурилиш ишларининг сифатсиз бажарилгани юзасидан республика масъулларига мурожаат қилганим, — дейди Ургут тумани Мерганча маҳалласида яшовчи Зина Ибрагимова. — Шундан кейин масаламиз ечим топди — 180 хўжаликка табиий газ тармоғига уланди. Уйларимизни қурган қурилиш ташкилотларидан моддий ва маънавий зарар ундириш тўғрисида суд қарори қабул қилиниб, ҳозирда ижроси таъминланмоқда. Шунинг учун бугунги қабулга келиб, раҳбарларга миннатдорлик билдирдим.

Оммавий қабул ўтказилаётган жойда бўш иш ўринлари ярмаркаси ташкил этилди. Давлат хизматлари маркази томонидан сайёр давлат хизматлари кўрсатилиши йўлга қўйилди.

Республика ишчи гуруҳининг оммавий қабулларида вилоятнинг барча туман ва шаҳарлари қамраб олинади.

Шундай мурожаатлар борки, ҳар қанча харажат талаб қилмасин, фуқарони ноумид қайтариб бўлмади. Кечаги қабулга Ургут туманидан келган фуқаролардан бири 38 ёшли ўғлига жигар циррози ташхиси қўйилгани, даволаниш учун жигар кўчириш талаб этилиши, амалиёт ҳоржда ўтказилишини айтиди. Операция учун эса 30 миң АКШ долларига керак. Қабулда мазкур маблағнинг тенг ярми ҳоқимлик томонидан қоплаб берилиши айтилди. Вилоят ҳоқимининг сайёр қабулига ҳар бир фуқаро қайсидир муаммо билан келган, деб бўлмади. Шунчаки, давлат бошқарув идораларига миннатдорчилик билдириш учун келганлар ҳам бор экан.

Самарқанд шаҳрида яшовчи Кубаро Маҳмурдовнинг набираси шу вақтгача Украинанинг Киев шаҳрида таҳсил олган. Мамлакатда нотинчлик бошлангач, бутун оила аъзолари ундан хавотирда қолган. Ҳукумат сай-харақатлари билан бошқа талабалар қатори К.Маҳмурдовнинг набираси ҳам Ватанга қайтарилган.

— Фарзандим юртимизга, уйга соғ-саломат келди. Шу ерда ўқишини давом эттирадиган бўлди, саросимали вазиятдан чиқиб кетди. Шунинг учун расман миннатдорчилик билдиришга келдим, — дейди фуқаро.

Дарвоқе, келган фуқаролар орасида деярли барча сайёр қабулларда қайсидир муаммо билан ташириб буюрадиган, деярли

— Йўлимиз 1981 йилда қурилган, — дейди Шерали Баратов. — Мана, қирқ йилдирки, ҳеч ким бу йўлга эътибор қилгани йўқ. Оқибатда кўча ўйилиб, Бошқудуқ, Қизилқўёш, Улус сингари бешта маҳалла фойдаланадиган йўлга жила курс тош тўқилса, деб келгандик. Вилоят ҳоқими бу иш ҳозирок бошланишини билдирди. Бу ҳақда масъулларга аниқ топшириқлар берди. Сайёр қабул доирасида фуқаролар тўғридан-тўғри тегишли идора раҳбарларига ўз масала ва муаммосини айтиб, қонуний жавоб олди. Мухими, ҳақиқатда муҳтож айрим кишиларнинг муаммоси шу ернинг ўзида ижобий ҳал қилинди.

Жумладан, ота-онасиз қолган Дияра Эргашева давлатнинг гамхўрлигини ўз тақдирини мисолида хис қилди. Негаки, укаларини оёққа турғазини барбариди ўзи олий маълумот олиш истагида бўлган бу қизга вилоят ҳоқими яқин бир ой ичида янги ўй берилишини билдирди.

Самарқанд туманидан келган Ботир Қурбонov маҳаллага келтирилган табиий газ қувурларидан тармоқ тортиш борасида мурожаат қилди. Масала мутасадди ташкилотлар томонидан кўриб чиқилиб, ижобий ҳал этилиши таъкидланди.

Сайёр қабул доирасида Нурободлик Шавкат Баҳшининг китоб чоп этишда амалий ёрдам сўраб қилган мурожаати шу ернинг ўзида ижобий ҳал бўлди. Масалага ечим топилганидан хурсанд бўлган Баҳшининг 11 ёшли ўғли Муҳаммад дўмбира чертиб, қўшиқ куйлади.

Умуман, аҳолининг муаммоларини аниқлаш, уларни ижобий ҳал этишда натижадорликка эришиш мақсадида ўтказилган сайёр қабул доирасида билдирилган мурожаатлар назоратга олиниб, қонуний ҳал этилиши таъминланади. Зеро, халқ билан мулоқот, унинг дарду ташвишини тинглаш асосида мушқулини осон қилиш "Инсон қадр учун!" шioriнинг амалдаги исботи бўлиши, шубҳасиз.

Самарқанд вилояти ҳоқимининг ҚАРОРИ

Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг олтинчи чақирғ олтмиш биринчи сессиясини чақириб тўғрисида

"Маҳаллий давлат ҳоқимияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 17-моддасига асосан ҚАРОР ҚИЛАМАН:

- 1. Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг олтинчи чақирғ олтмиш биринчи сессияси 2022 йил 8 апрель кўни соат 9:00 да чақирилсин.
2. Сессия кун тартибига қўйидаги масалалар киритилсин:
- вилоят ҳоқимининг биринчи ўринбосари Ж.Ўроқовнинг вилоятда хизматлар соҳасини ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ишлар тўғрисидаги ҳисоботи;
- вилоят ҳоқимлиги ижро назорати гуруҳи раҳбари Э.Раҳимовнинг Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 10 февралдаги "Қонунчилик ҳужжатлари ижросини самарали ташкил этишда давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳоқимият органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-0166-сон фармони ижроси юзасидан ҳисоботи;
- ёшларга оид давлат сиёсатининг вилоятда амалга оширилишини рейтинг баҳолашининг натижалари тўғрисида Ёшлар ишлари агентлиги вилоят бошқармаси бошлиғи Ҳ.Тўхтаевнинг ҳисоботи;
- Нарпай тумани ҳоқими вазифасини бажарувчи Ш.Раҳмонов ва сектор раҳбарларининг туманни ижтимоий-иқтисодий

ривожлантириш даражасини баҳолашининг рейтинг кўрсаткичларига қўра, туманнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ҳолатини яхшилаш юзасидан амалий чора-тадбирлар дастурининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботи;
- Тойлоқ туманида маҳаллабай ишлаш ва маҳаллардаги ҳоқим ёрдамчилари фаолиятини ташкил этиш бўйича амалга оширилган ишлар юзасидан туман маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш маркази раҳбари Ж.Турсуновнинг ҳисоботи;
- халқ депутатлари вилоят Кенгашида бўшаб қолган ўринларга сайлов ўтказиш тўғрисида;
- халқ депутатлари вилоят Кенгаши котибияти мудири, бош юрисконсульти ва бош мутахассисларининг функционал вазифаларини тасдиқлаш тўғрисида;
- давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер участкаларини олиб қўйиш бўйича тақдимотни кўриб чиқиш ва тасдиқлаш тўғрисида;
- вилоят маҳаллий бюджетининг қўшимча манбаларидан мақсадли фойдаланиш тўғрисида;
- бошқа масалалар.

Вилоят ҳоқими Э.ТУРДИМОВ
2022 йил 1 апрель

Хат тахирисиз босилмоқда

Банк, ҳоқимият, ёрдамчи "Учбурчак"дан кредит излаётган тадбиркор

20 йилдан буён дуррадгор устаман. Эшик-ром, стол-стул, ўриндиқлар, умуман, тахта билан бажариладиган барча ҳижозларни ясаман. 2021 йил апрелда қонуний тарзда фаолиятимни кенгайтириш ва маҳалламиздаги ёшларни иш билан банд қилиш истаги пайдо бўлди.

Бунинг учун якка тартибдаги тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтиб, банк кредити ҳисобидан иш ўрни яратиш ва ишлаб чиқаришни кўпайтиришни мақсад қилганим. Бунинг учун икки ой беҳуда солиқ тўладим, банк ходимининг талаби билан банкдан ҳисоб-рақам очдик, муҳр олдим. Аммо "Агробанк" туман филиалига кўп мартаба мурожаат қилишимга қарамасдан, турли важлар билан кредит ажратмади. Бир сафар паррандачилик учун кредит ажратишини билдирдим, аммо мен ўз йўналишим бўйича кредит олмоқчи эканлигимни айтидим. Лекин йил тугади ҳамки, кредитдан дарак йўқ. 2022 йил март ойида 810 миң "бадал пули" тўлаб, "Ҳунарманд

буён кредит ажратишни пайсалга солади. Қонуний фаолият юритиб, ёшларни иш билан таъминлаш, уларга хунара ўргатишим менинг айбимми? Ҳоқим ёрдамчиси кунда сарсон қилади, сектордагилар ҳар доим ёлғон ваъда билан жўнатишади. Туман ҳоқими қабулида ходимларга кўрсатма беради, улар "бажарамиз"дан нарига ўтмайди. Икки йилдан буён шу масалада ёрдам сўраб, Президент порталига ҳам мурожаат қилдим. Банк ходимлари, масъуллари уйимга келиб, "Мурожаатни ёпиш учун имзо қўйиб бering, сизга кредит ажратамиз", дейишади, имзо қўйдиришгач, уларни топиб бўлмайди. Қонуний тадбиркорлик қилиш истагидаги фуқарога муносабат шуми? Абдуназар БОТИРОВ, Пахтачи тумани Болтали маҳалласи.

